# СУД ҚАРОРИ ВА ЖАВОБГАРЛИК

Бош қомусимиз бўлган Конституциямизнинг 44-моддасида ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат идоралари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Бу қоида ўз навбатида дунёвий давлатда одил судловнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб беради. Ушбу мақсад ва вазифаларни амалга ошириш жараёнида суд бир қанча қарор чиқаради. Айни шу қарорлар одил судловнинг сифатини белгилайди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, суд қарорлари ижро этилиши билан аҳамиятли ва қонуний кучга эга. Қонунчиликда суд қарорларини ижро этиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий институтлар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, унда суд қарорини бажармаганлик учун жиноий жавбгарлик масаласи алоҳида ўрин тутади.

Жиноят Кодексининг 232-моддасида суд қарорини бажармаганлик учун жиноий жавобгарлик чораси белгиланган. Унда қайд этилишича, мансабдор шахснинг суд ёки судьянинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарорини қасддан бажармаслиги ёхуд уларнинг бажарилишига тўсқинлик қилиши жиноят деб баҳоланиб, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Объектив томондан суд қарорини бажармаслик жинояти мансабдор шахснинг суд ёки судьянинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарорини қасддан бажармаслик ва уларнинг бажарилишига тўсқинлик қилиш кўринишдаги ҳаракатда (ҳаракатсизликда) ўз ифодасини топади.

Биринчи кўринишда шахс жинояти ҳаракатсизликда ифодаланади. Қилмишни жиноят деб баҳолаш учун суд қарори қонуний кучга кирган бўлиши, шунингдек, унинг ижро этиш муддати бирор асос туфайли тўхтатиб турилган бўлмаслиги ва айни вақтда мансабдор шахс зиммасида суд қарорини ижро этиш мажбурияти суд қарори мазмунидан англашилиб туриши ёки қонунда белгиланган бўлиши талаб этилади. Агар суд қарори қонуний кучга кирмаган, унинг ижроси тўхтатиб қўйилган, ижро этиш мажбурияти мансабдор шахс зиммасига юклатилган бўлмаса, жиноят аломатлари йўқ деб ҳисобланади.

Суд қарорини бажармаслик мансабдор шахснинг суст ҳаракатида ҳам (ҳаракатсизлигида) ўз ифодасини топади. Масалан, банкрот деб топилган корхонани тугатиш билан боғлиқ хўжалик суди томонидан белгиланган юридик ҳаракатларни тугатиш ишида ишончлик шахс сифатида тасдиқланган мансабдор шахс томонидан бажарилмаса ёки бажарилишига тўсқинлик қилинса, бу суд қарорини бажармаслик деб баҳоланиб, Жиноят Кодексининг 232-моддаси бўйича жиноий жавобгарлик масаласини кўриш учун асос бўлади.

Суд қарорининг бажарилишига тўсқинлик қилишда мансабдор шахснинг қилмиши фаол тус олади. Биринчи ҳолатдан фарқли ўлароқ, мансабдор шахс суд қарорини бажарилишида қийинчиликлар юзага келиши учун турли ҳаракатларни қасддан амалга оширади. Бу ҳаракатлар суд қарорини йўқотиш, ўз вақтида тегишли маъмурий бўлинмаларга ўтказмаслик ва бошқаларда ўз ифодасини топиши мумкин.

Шахснинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги)га баҳо беришда мансабдор шахсга нисбатан четдан бошқа шахслар томонидан руҳий ёки жисмоний таъсирга ҳам эътиборни қаратиш лозим. Чунки мансабдор шахсга четдан руҳий ва жисмоний таъсир қилингани натижасида Жиноят Кодексининг 232-моддасида кўзда тутилган жиноят содир этилган бўлса, мансабдор шахсга нисбатан жиноий жавобгарлик масаласини кўришда енгиллаштирувчи ҳолатларни қўллаш ёки умуман жиноий жавобгарликдан озод этиш лозим бўлади. Мансабдор шахснинг суд қарорини бажармаслиги ўз мансабига совуққонлик билан қараши ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги деб баҳоланиши мумкин эмас. Чунки мансабга совуққонлик билан қараш ва ҳокимият ҳаракатсизлиги бошқарув муносабатлари билан узвий боғлиқ деб талқин этилади. Суд қарорини бажармаслик эса одил судлов билан боғлиқ муносабатлар сирасига киради.

Суд ёки судья ҳукми, ажрими ёки қарорини мансабдор шахснинг бажармаслиги ёки ўз вақтида бажарилишига қаршилик кўрсатиш таҳлил этилаётган жиноятнинг тамомланган деб топилишига асос бўлади.

Суд қарорини бажармаслик жинояти субъектив томондан қасддан содир этилади. Шахснинг қилмишида қасд шаклидаги айбнинг мавжуд бўлиши уни жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўладиган мезонлардан биридир.

Суд қарорини бажармаслик жиноятининг субъекти корхона, муассаса, ташкилот раҳбарлари, жазони бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини амалга оширилишини назорат қиладиган ва бажарадиган муассаса ходимларидир.

Албатта, бирор шахс мансабдор шахс деб эътироф этилиши учун, тегишли тартибда лавозимга қўйилган ва расмийлаштирилган бўлиши лозим.

Энди жиноятнинг мақсади хусусида фикр юритадиган бўлсак, ғараз, таъмагирлик, адоват кабилар жиноятнинг субъектив томони факультатив белгиларини ташкил этиш мумкин. Бу ҳол жиноятни тасниф қилишда ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмай, балки жиноий жазо белгиланаётган вақтда у ёки бу даражада таъсир этиши мумкин.

Шу ўринда савол туғилади: мансабдор шахс икки ёки ундан ортиқ суд қарорини бажармаса, унга қандай жиноий жазо қўлланилади? Бу саволга жавоб бериш учун Жиноят кодексининг 32-моддаси 3-қисмига мурожаат этиш лозим. Гарчи икки ёки ундан ортиқ суд қарори бажарилмаган бўлса-да, жиноий қилмишлар бир жиноят таркибини ташкил этганлиги учун такроран эмас, балки давомли жиноят деб топилади.

Хулоса қиладиган бўлсак, қонун ва адолат устуворлигини таъминлашда суд қарорининг ижроси муҳим аҳамият касб этади. Шу боис суд қарорини ижро этиш давлат идоралари ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир.

**Жамшид РАҲМОН, Турсунали СУВОНОВ**

Huquqiy ma`rifat

***Азалдан шу нарса маълумки, амалдаги қонунчилик, унинг моҳиятини яхши билган киши, жиноятга қўл уришдан чўчийди. Нега деганда, у ўзининг ҳар бир нотўғри қадами қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан тасаввур қилади. Бу ҳақда фикр юритишдан муддао шуки, биз амалдаги қонунлар моҳиятини нечоғлик чуқур билсак, қонун асосида яшашни ўргансак, ҳаётимиз шунчалик тинч ва хотиржам кечади.***

***Қуйида ана шундай мавзулардан бири — жиноятдан ихтиёрий қайтиш хусусида фикр юритилади.***

# ЖИНОЯТДАН ИХТИЁРИЙ ҚАЙТИШ

Маълумки, жиноят қонунчилигида ниҳоясига етган жиноятлар билан бирга ҳали тугалланмаган жиноятлар ҳам учрайди. Ана шундай жиноят босқичларидан бири бу жиноятдан ихтиёрий қайтиш ҳисобланади.

Шу ўринда табиий савол туғилади: хўш, жиноятдан ихтиёрий қайтиш нима? Унинг моҳияти нима билан изоҳланади?

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, Жиноят Кодексининг 26-моддасида қайд этилганидек, шахс жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатларини охирига етказиш мумкинлигини англаган ҳолда тўхтатса, шунингдек, жиноий оқибат келиб чиқиши мумкинлигини англаган ҳолда, шундай оқибат келиб чиқишининг олдини олса, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб топилади.

Бундан ташқари, мазкур модданинг учинчи қисмига кўра, жиноятни охирига етказишдан ихтиёрий қайтган шахс, агар амалда содир этган қилмишида бошқа жиноят таркибининг барча аломатлари бўлса, Жиноят Кодекси бўйича жавобгарликка тортилади.

Шунингдек, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг қонундаги мазмуни, жиноят ҳуқуқи назарияси ва суд амалиётида қўлланилишини эътиборга олиб уни:

— жиноятдан ўз ихтиёри билан қайтганлиги;

— жиноятдан қайтганлигининг қатъийлиги белгилари билан ифодалаш мумкин.

Қисқаси, жиноят ихтиёрий қайтиши учун шахс жиноятни охирига етказиш учун тўла имкониятга эга эканлигини англаган ҳолда жиноий фаолиятини тўхтатган бўлиши керак. Агар жиноят айбдорнинг ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра охирига етмай қолган ва жиноий фаолиятни давом эттириш хавфи бўлса, ихтиёрий қайтиш деб ҳисобланади. Лекин бундай ҳолда шахс жавобгарликдан озод этилмайди.

Ҳаётда шундай вазиятлар ҳам учрайдики, шахс ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, жиноий фаолиятини тўхтатади. Бироқ бу жиноятдан ихтиёрий қайтиш ҳисобланмайди. Масалан, ўғирликка қўл уриш ниятида бўлган кимса сейф қулфини ўта мураккаб бўлгани учун очолмайди. Натижада у қора ниятини амалга оширолмайди. Бу эса, ўз навбатида жиноятга суиқасд қилиш деб ҳисобланади.

Бундан ташқари, биринчи ҳаракати туфайли жиноятни содир эта олмаган, сўнгра эса бу жиноий ҳаракатга қайта қўл урмаслик ҳам жиноятдан ихтиёрий қайтиш ҳисобланмайди. Масалан, бирон-бир киши қасддан одам ўлдириш ниятида унга қарата ўқ узади. Аммо жабрланувчи ўлмай қолади, айбдор иккинчи маротаба ўқ узмайди. Бундай ҳолатларда содир қилинган қилмиш қасддан одам ўлдиришга суиқасд деб баҳоланади.

Аввало, жиноятдан ихтиёрий қайтиш қатъий бўлиши керак. Тамом бўлган суиқасд эса шахс жиноятни охирига етказиш учун барча ҳаракатларини қилади, аммо ўзига боғлиқ бўлган сабабларга кўра, жиноятни охирига етказишга вақт қолмайди. Тамом бўлган суиқасд қилмиш ва оқибат ўртасидаги вақт мобайнида шахс ўз ҳаракатларини назорат қилиш ва бошқариш имкониятига эга бўлади. Бошқача айтганда, шахс ўз ҳаракатларини ривожланишига таъсир эта олади. Бунга мисол сифатида қуйидаги воқеани келтириш мумкин. Масалан, ўзганинг мулкини нобуд қилиш мақсадида унга ўт қўйган шахс ўша заҳотиёқ оловни ўчириш имкониятига эга бўлади. Демак, мулкка ўт қўйган шахс ўз ихтиёри билан мулк нобуд бўлмасдан ўтни ўчирса, бу жиноятдан ихтиёрий қайтиш, деб ҳисбланиши мумкин.

Шу билан бирга жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг сабаби турлича бўлиши мумкин. Яъни қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиш, жабрланувчига раҳм қилиш, ўз бошига мусибат тушиб қолишдан қўрқиш ва бошқалар. Бундай олиб қараганда, жиноятдан ихтиёрий қайтиш кўпчилик ҳолларда чин кўнгилдан англаб инкор этилади. Яъни ташқи таъсирсиз ички ният, ҳис-туйғу туфайли пайдо бўлади. Чунки бундай вазиятда шахснинг жиноят содир қилишга иштиёқи бор бўлишига қарамай у жиноят йўлига киришдан ақл-идроки туфайли қайтиши асосий аҳамият касб этади. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деярли барча ҳолларда жиноий ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатига, зўрликка, куч ишлатишга норози муносабатда бўлувчи ва ўзининг виждони олдида инсонпарварлик жиҳатидан жавоб берувчи шахсларга хос хусусиятдир.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, жиноят содир этишдан ихтиёрий равишда қайтиш сабабларининг ташқи ва ички белгиларига асосий эътиборни қаратиш лозим.

Зеро, ҳар бир хавфли қилмиш, ҳуқуқбузарлик орқасида жавобгарлик масаласи ётганини унутмаслик керак.

**Оқил ҲОТАМБОЕВ**


*Пиру бадавлатлик*
*Сурат муаллифи: Шавкат АКРОМОВ*

Ajab savdolar

# ЛОТОРЕЯ ЎЙНАШ МАЖБУРИЙМИ?

Одамзот ҳар доим омад ва мўъжизага ишониб келган. Ана шу хусусият лоторея ўйинини келтириб чиқарган бўлса, ажаб эмас. Юртдошларимиз орасида ҳам лоторея ишқибозлари кўпчиликни ташкил этади. Айримлари уни ўйнагани етмагандай коллекция тарзида тўплайди. Ҳатто ўзи яшаётган уйини лоторея музейига айлантирганлар ҳам йўқ эмас.

Шу билан бирга бу даҳмаза ўйиндан зада ва аламзада бўлганлар, "лоторея" сўзини эшитса таъби тирриқ бўладиганлар ҳам бисёр.

Урганч шаҳар халқ таълими бўлимининг 30 га яқин мактаблари муаллимлари ҳамда кўпдан-кўп боғча массасалари ходимлари охирги тоифадагилар сирасига киради. Бу ерда иш шу даражага етганки, "лоторея" деганда лабига учуқ тошадиганлар сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Ютуқ чиқмагандир-да, десангиз адашасиз. Гап шундаки, Урганчда маош олувчиларга лоторея чипталарини қўшиб бериш "урф" бўлган. Ана шу антиқа "кашфиёт" натижасида шаҳардаги ўқитувчи ва боғча ходимларининг ҳар ойлик маошидан турли лоторея чипталари учун муайян миқдордаги маблағ чегириб қолинади. Яқинда, урганчлик муаллим-тарбиячиларга узоқ танаффусдан сўнг бир йўла уч ойлик маош ҳажмида пул тарқатилди. Уни тарқатиш чоғида кимларгадир бир ярим минг, аллакимга минг, яна бировга эса беш юз сўмлик турли хил лоторея чипталари қўшиб берилди. Аслида лотореянинг харид қилмаслик - - ҳар кимнинг кўнгил иши. Уни маош ҳисоби{д}ан беришаётганида рад этиш ҳам мумкин. Бироқ бу айтишгагина осон. Аниқроқ айтсак, ходимлар турли таъна-дашном ва тазйиқларга дучор бўлмаслик учун ғазначи "ёшулли"ларнинг гапини ерда қолдиришмайди. Шу тариқа маошнинг бир қисми ой сайин лоторея хариди учун "оқиб" кетаверади. Ютуқнинг яқинига ҳам йўламайдиган бундай чипталар ва бошқа турфа чегирмалар учун "ихтиёрий" тарзда оқизмай-томизмай қўш-қўллаб пул тўлаш Урганчда аллақачон одат тусини олган ва анча-мунча "оммавийлашиб" ҳам кетган. Бу "кашфиёт" ҳозирда тиббиёт ходимлари, нафақахўрлар, тадбиркорлар, ишчи-хизматчиларга имижимида тадбиқ этилмоқда.

— Мамлакатимиз мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллар" спорт мусобақалари финал беллашувлари келгуси йили вилоятимизда ўтказилишидан ниҳоятда мамнун бўлдик, — дейди устоз муаллимлардан бири. — Шу боис спартакиадани моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ниятида чиқарилган "Умид ниҳоллари" спорт лотореясини жон-дилимиз билан сотиб олдик. Лекин, ҳар нарсанинг ҳам ўз меъёри бор. Маош олиш чоғида ҳар гал қўлингга чипта тутқазаверишса, хунобинг ошар экан. Мана, бир неча йилдирки, мактабимизда ойлик маошини чегириш учун ҳар ойда бир баҳонани ўйлаб топишади.

Очиғини айтганда, ушбу масалада аниқ бировни айблаш имкони йўқ. Бунинг сабаби шундаки, лоторея чипталарини "ёшулли"ларнинг кўрсатмасига асосан банк муассасалари маош ҳисобидан сотувга йўллайди, жойлардаги ғазначилар эса уни ишловчиларга "ихтиёрий" равишда тарқатади. Бир сўз билан айтганда, шикоятга ҳам, нолишга ҳам ўрин йўқ. Лекин шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтиш жоиз: бу ҳолга қонун нима дейди? Наҳотки, лоторея ўйнаш мажбурий бўлса?

Ўйлаймизки, мутасаддилар "ихтиёрий" муросасозлик ортидаги қонунбузарликларга қонуний баҳо беришади. Бу — урганчликлар умиди.

**Абдулла СОБИРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Mitti maslahat

Рукн учун масъул: ҳуқуқшунос Т. ҚОРЁҒДИЕВ

# МАҲКУМЛАР ОИЛА ҚУРИШИ МУМКИНМИ?

**Ҳаётда инсон турли хил вазиятларга тушиши мумкин. Бошқача айтганда,бахт ҳам, бахтсизлик ҳам ҳамиша инсон билан бирга яшайди. Шунинг учун киши яхшиликка кўп ҳам севинмаслиги, ёмонликдан қаттиқ куюнмаслиги керак.**

**Энди асл муддаога ўтадиган бўлсак, бугунги кунда маҳкумлар билан ҳам никоҳга кириш ҳоллари учрамоқда. Албатта, бунинг ўзига хос бир қатор мураккаб жиҳатлари бўлгани учун қуйида у ҳақида батафсил тўхталиб ўтмоқчимиз.**

**Аввало шуни айтиш жоизки, Оила Кодексининг 217-моддасига кўра, тергов изоляторларида, озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ижро этувчи муассасаларда сақланаётган шахслар билан тузиладиган никоҳни қайд этиш ушбу муассаса жойлашган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идораларида қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади. Бундан ташқари, бу ҳолатга ойдинлик киритадиган иккинчи бир ҳуқуқий ҳужжат — Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори 1-иловаси билан тасдиқланган "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари" ҳисобланади.**

**Яна шуни қайд этиш жоизки, юқорида кўрсатиб ўтилган шахслар билан никоҳни қайд этишда иши терговда бўлган ёки судланувчи шахс қайси идора ҳисобида турган бўлса, ўша идоранинг ёзма розилиги талаб қилинади. Аслини айтганда, ҳаётда бундай никоҳни қайд этишни сўраб, одатда иши терговда ёки судда бўлган, айбланувчи, судланувчи ёки маҳкум шахс билан никоҳга киришни хоҳлаган шахс мурожаат этади.**

**Маҳкум билан никоҳга кирувчи шахс никоҳга кириш ҳақидаги махсус аризанинг ўзига тегишли қисмини тўлдириб, ўзи доимий истиқомат қиладиган ёки жазони ижро этиш муассасаси жойлашган ҳудуддаги ФҲДЁ идорасига топширади. ФҲДЁ идораси масъул ходими эса ўз навбатида аризада келтирилган маълумотларни ариза берувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан солиштиради ва қайд этилган маълумотларнинг ҳақиқийлиги ҳамда аризачининг имзосини тасдиқлагач, аризани эгасига қайтаради. Шундан сўнг никоҳга киришни хоҳловчи шахс бу аризани маҳкумга бериш учун қамоқхона муассасаси маъмуриятига топширади. Ўз навбатида қамоқхона маъмурияти никоҳга кириш ҳақидаги аризани олгач, уни тўлдириш учун маҳкумга тақдим этади. Қамоқхона маъмурияти тўлдирилган аризадаги маълумотларни маҳкумнинг шахсий йиғим жилдидаги маълумотлар билан солиштиради, уларнинг ҳақиқийлиги ва имзосини тасдиқлайди ҳамда аризани қамоқхона муассасаси жойлашган жойдаги ФҲДЁ идорасига юборади.**

**Маҳкум билан никоҳни қайд этиш ФҲДЁ идораси билан келишилган ҳолда жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти томонидан белгиланган бинода никоҳга кирувчилар иштирокида амалга оширилади. Маҳкум билан никоҳга кирган шахсга ФҲДЁ идораси томонидан никоҳ гувоҳномаси берилади. Маҳкумнинг шахсий йиғма жилдидаги анкетасига ФҲДЁ идораси томонидан штамп босилади. Эр ёки хотиннинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, ФҲДЁ идорасининг номи ва никоҳ тузилган сана ҳамда далолатнома ёзуви рақами ёзиб қўйилади. Шунингдек, судгача эҳтиёт чораси сифатида қамоқда ушлаб турилган шахслар билан никоҳни қайд этиш тергов ишини олиб бораётган мансабдор шахс ёки идора рухсати билан шу ҳудуддаги ФҲДЁ идораси томонидан тергов изолятори (қамоқхона)да амалга оширилади. Бундай вазиятда никоҳга кириш ҳақидаги ариза ва никоҳ қайд этилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувига қайд этишга рухсат берган мансабдор шахснинг имзоси қўйилади.**

**Қисқаси маҳкум ва тергов изоляторларида сақланаётган шахслар билан никоҳни қайд қилиш тартиби анчагина мураккаб бўлиб, у қатъий тартиб асосида амалга оширилади.**

Muloqot

# ТЎРТ САВОЛГА ТЎРТ ЖАВОБ

***Одатда, ҳар бир газета ўз фаолиятини ўқувчиларнинг талаб-эҳтиёжи ва қизиқишларидан келиб чиқиб ташкил этади. Хусусан, таҳририятимизга ҳам ҳар кун газетхонлардан ўнлаб мактублар келади. Бу хатларнинг аксарияти ўқувчилардан келаётган саволлардан иборат. Наманган вилояти, Уйчи туманидаги "Олтин водий" жамияти ходими А. Обилов ҳам ўзини қизиқтирган саволларни йўллаб, уларга қонун нуқтаи назаридан жавоб беришимизни сўраган.***

***Қуйида газетхон саволларига ҳуқуқшунос С. Ниёзованинг жавобларини эътиборингизга ҳавола этамиз.***

**САВОЛ:** ***— Маълумки, корхона таъсис этиш учун у тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади. Бунда корхона Низоми (устави) қандай тартибда тақдим этилиши лозим?***

ЖАВОБ: —"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"-ги Қонунга мувофиқ "Олтин водий" жамияти фақат туман ҳудудида фаолият юритаётган бўлса, унинг низоми туман ва шаҳар ҳокимликларига; хорижий давлатлар билан ҳамкорликда фаолият юритиш мўлжалланаётган бўлса вилоят адлия бошқармасига тақдим қилинади.

Бунинг учун якка тадбиркорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- давлат рўйхатидан ўтказиш учун ариза ва 3х4 ўлчамдаги фотосурат;
- рўйхатдан ўтказиш йиғимининг тўланганлиги ҳақидаги банк ҳужжати;
- муҳр ва штамп эскизлари (уч нусхада) ҳамда паспорт.

Юридик шахслар эса қуйидаги олтита ҳужжатни тақдим этиши лозим:

- ариза;
- корхона таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси;
- тадбиркорлик субъектининг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат;
- рўйхатдан ўтказиш йиғимининг тўланганлиги ҳақидаги банк ҳужжати;
- фирма номи тўғрисидаги гувоҳнома;
- муҳр ва штамп эскизлари (уч нусхада).

Ариза берилган кундан эътиборан якка тартибдаги тадбиркорлар - кунда, юридик шахслар ва фермерлар - 12 кунда таъсис ҳужжатларини тўлиқ оладилар. Рўйхатдан ўтказиш бўлимига топшириладиган таъсис ҳужжатларини туман (шаҳар) товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ёки консалтинг фермалари тайёрлаб бериши лозим.

**САВОЛ:** ***— Корхонанинг ишлаб чиқариш учун сарфлаган харажат суммаси дивиденд бўла оладими?***

ЖАВОБ: — Корхонанинг ишлаб чиқариш учун сарфлаган харажат суммаси дивиденди бўла олмайди. Чунки "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 53-моддасига мувофиқ дивиденд бу - фойданинг солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлангани ҳамда қайта инвестиция амалга оширилгандан сўнг акциядорлар жамияти ихтиёрида қоладиган ва акциядорлар ўртасида тақсимланиши лозим бўлган қисмидир.

**САВОЛ:** ***— Корхона суд тартибида тугатилган бўлса-да, орадан бир неча йил ўтгач, худди шу корхона банкрот деб эълон қилинган. Аслида амалдаги қонунчилик бўйича қандай бўлиши лозим?***

ЖАВОБ: — Фуқаролик кодексининг 57-моддасида юридик шахснинг ночорлиги (банкротлиги) ҳақида сўз юритилган бўлиб, унда тижоратчи бўлган юридик шахс, давлат корхонасидан ташқари, шунингдек, матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклида иш олиб бораётган юридик шахснинг кредиторлар талабларини қондиришга қурби етмаса, суднинг қарорига мувофиқ у ночор деб ҳисобланиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Юридик шасхнинг банкрот деб ҳисобланиши унинг тугатилишига олиб келади. Чунки бу ҳолат "Банкротлик тўғрисида"ги Қонунда ҳам ўз ифодасини топган. Шунга асосан корхонанинг суд тартибда тугатилгандан кейин бир йилдан сўнг тугатилишини ноқонуний ҳаракат дейиш мумкин.

**САВОЛ:** ***— Агар қўшма корхонаси уставида томонларнинг Устав фондига белгиланган миқдорда қўйган улушлари тўғрисида бинад мавжуд бўлса, бу ҳолда Устав фонди шакллантирилган ҳисобланадими?***

ЖАВОБ: — Бу ҳолда Устав фонди шакллантирилган ҳисобланмайди. Чунки бунинг учун хорижий инвестициялардан келиб тушадиган даромад камида 30 фоизни ташкил қилиши керак.

Jahon tajribasi

# ФРАНЦИЯ: СУД ТИЗИМИ

Жаҳоннинг ривожланган давлатларидан бири бўлган Францияда суд тизими ўзига хослиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу ҳол аввало судларнинг иш фаолияти ва вазифаларига қараб ташкил этилганида кўринади. Мисол учун айтадиган бўлсак, Франция Олий Суди Президент ва бошқа йирик давлат идоралари бошлиқларининг қонунга хилоф равишда фаолият юритмаслигини назорат қилади. 1993 йилда ташкил этилган Республика судида асосан ҳукумат аъзоларининг мансабини суиистеъмол қилиши натижасида содир этган жиноятлар кўриб чиқилади. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур судлар Франция суд тизимининг таркибига кирмайди. Уларнинг ҳуқуқий мақомлари Конституция ва бошқа алоҳида қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган.

Франция суд тизими ҳақида гап борганда, уларнинг асосий тамойиллари ҳам тилга олинади. Чунки Франция судлари одил судловни бир неча тамойиллар асосида амалга оширади. Жумладан, коллегиаллик (одатда, бу суд таркиби бир неча нафар судьялардан иборат бўлади), профессионаллик (бунда судьялар ўз касбини пухта билиши ва иш тажрибаси юқори даражада бўлиш назарда тутилган), мустақиллик, бир неча кафолатлар билан таъминланганлик, бўйсунмаслик (маъмурий адлия тизимига боғлиқ эмаслик назарада тутилган), фуқаролик ва жиноий ишларни ҳеч бир ҳақ олмасдан (пул тўланмасдан) кўриш, суд олдида тенглик, бартарафлик, холислик, одиллик, оммавийлик (айрим ҳолатлардан ташқари), суд қарорларига нисбатан шикоят қилиш имкониятини мавжудлиги (Франция қонунчилигида баъзида кам аҳамиятли ишларда шикоят беришга йўл қўйилмаган) каби тамойиллар Франция судларининг фаолияти йўналишларини ташкил этади.

Франция суд тизими мазмун-моҳияти билан умумий юрисдикция ва маъмурий судларга бўлинади. Умумий юрисдикция судлари мамлакат суд тизимининг қуйи қисми кичик инстанция трибунали (кичик процесс) ҳисобланади. Бундай трибунал ҳар бир департамент марказида энг камида биттадан ташкил этилади. Баъзи ҳолларда кичик инстанция йирик ҳудудга эга бўлган кантонларда ҳам ташкил қилинишига йўл қўйилиши мумкин. Улар трибунал суд тизимининг қуйи суд инстанцияси сифатида жиноий ва фуқаровий ишларни кўради. Аниқроқ қилиб айтганда, улар асосан 2 ойгача озодликдан маҳрум қилиш ва 20 минг франкгача жарима тўланадиган ишлар билан шуғулланади. Шунингдек, уларга баъзи нотариал ишларни ҳам кўриш ваколати берилган.

Бу суд жиноий ишларни кўриш мобайнида трибунал суд деб номланиб, трибунал аъзолари 3 йил муддатга тайинланадиган магистратлардан иборат. Магистратлар ишларни алоҳида тартибда якка ўзлари кўриб чиқади.

Умумий юрисдикция суд тизимининг кейингиси катта трибунал инстанция (катта процес)си ҳисобланади. Улар ҳар бир департаментда, камида биттадан ташкил этилиб, фуқаролик, оилавий ва жиноий ишларни кўришга ихтисосланган. Жиноий ишни кўриш давомида ахлоқ тузатиш трибунали ҳам фаолият юритади. Ушбу трибуналда фуқаролик ишлари ва ахлоқ тузатиш палаталари ҳам мавжуд. Аксарият ҳолатларда бу каби трибуналларда ишлар коллегиал, яъни 3 нафар судья таркибида кўриб чиқилади. Шунингдек, баъзи бир белгиланган ишлар якка судья томонидан ҳам кўрилиши мумкин. Худди шу инстанция судида 3 йил муддатга тайинланган тергов ишини юритувчи судьялар фаолият юритишади. Улар асосан бир мунча мураккаб ва муҳим аҳамиятга молик бўлган ишлар бўйича тергов ишларини олиб боради. Кам аҳамиятли бўлган ишларни юритишда эса тергов полиция томонидан ўтказилади.



Беш йилдан ортиқ муддатга қамоқ жазосига тортилиши назарда тутилган ишлар деярли ҳар бир департаментда мавжуд бўлган ассизлар (холислар) суди томонидан кўрилади. Бу суд ўзига ўта тажрибали уч нафар судьяни, яъни катта трибунал инстанция ёки апелляция инстанциясида ишлайдиган судьялар, суд раиси (раис, албатта, апелляция инстанциясининг аъзоси бўлиши лозим) ва иккита ассесорлар ҳамда тўққизта ассиз (маслаҳатчилар назарда тутилган)дан иборат холисларни ўз таркибига жамлаган.

Ассиз (маслаҳатчи)ларга нисбатан бир неча талаблар мавжуд бўлиб, улар ўз истиқомат қиладиган департаментда яшайдиган, 23 ёшга тўлган, француз тилида ёзиш ва ўқишни биладиган фуқаролар танлаб олинади. Ассизларга хос бўлган яна бир хусусият шундан иборатки, улар маъмурий ҳамда бошқа давлат идораларининг бирида хизмат қилмаслиги ва судланмаган бўлиши лозим.

Ассизлар суди асосан сессияли (танаффусли) тартибда иш юритади. Ҳар бир сессия бошланмасдан олдин қуръа ташлаш йўли билан ассизлар танлаб олиниб, танлаб олинганлари ишда иштирок этиши шарт ҳисобланади.

Франция судларининг ўзига хос муҳим хусусиятлардан бири мамлакатда турли ихтисослашган судларнинг фаолият юритишидир.

Масалан, махсус жиноят ишлари бўйича судда асосан жиноят ишлари кўрилади. Ишни кўриш давомида иш ҳажмининг катталиги инобатга олиниб, катта инстанция трибунал судларида кўриш учун юборилиши мумкин. Фуқаролик ишлар бўйича махсус судлар таркибида савдо ва тижорат судлари ҳам ташкил этилган.

Меҳнат низолари бўйича ишларни алоҳида кенгаш кўриб чиқади. Худди шу тартибда қишлоқ хўжалик ерлари бўйича келиб чиқадиган низоли масалаларни ҳал қиладиган ижара (аренда) трибунал ташкил қилинган бўлиб, унда кичик инстанция трибуналнинг судьяси иштирок этиб, суд процессига раисликни амалга оширади.

Умумий юрисдикция судларининг охиргиси апелляция судлари ҳисобланади. Асосан апелляция судлари ҳар икки ёки тўртагача бўлган департаментлар учун биттадан ташкил қилиниши мумкин. Ушбу суд инстанция тизими (таркиби)да махсус палаталар иш юритади. (масалан, Парижнинг апелляция судида 25 тагача палаталар мавжуд). Аппеляция суди ишларни кўришда қарорни коллегиал тартибда қабул қилади.

Умумий юрисдикция судлари тизимида кассация суди (кассация инстанция) энг юқори суд инстанцияси ҳисобланиб, етакчи ўринни эгаллайди. Ушбу суд инстанциясида бешта фуқаролик ва битта жиноят ишлари бўйича палаталар ташкил этилган. Кассация суди қабул қилган қарорлари юзасидан келиб тушган шикоят ёки қарор кассация суди Пленуми томонидан кўриб чиқилади.

Франция суд тизимида маъмурий суд фаолият кўрсатади. Бу суд адлия идорасининг бир тармоғи ҳисобланади ва асосан улар раҳбарлардан ташкил топган (уларнинг таркибида магистратлар ташкил этилмаган).

Маъмурий судлар нафақат маъмурий ишларни ҳал қилади, балки баъзи бир келишмовчиликлар бўйича ҳам юридик хулосани беради. Ушбу тизимнинг энг қуйи бўғини ҳудудий маъмурий судлар, ўрта бўғин маъмурий апелляция ва энг юқори бўғини эса махсус давлат кенгашидан иборат.

Хулоса сифатида айтсак, Франция суд тизими барча судларнинг ихтисослаштирилгани билан ажралиб туради. Судларнинг ихтисослаштирилгани ишларни тез кўриб чиқиш, адолатли қарор чиқариш ва одил судловни қарор топтиришга хизмат қилади.

**Зокиржон БАРНОЕВ,**
**Ғолиб ЛАТИПОВ**

